

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD/03/30.12.2021/Ss/Tar.21.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎзР ФА ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ  
МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА  
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ-МЕТОДИК МАРКАЗ**

**ТОЛИБОВА САНОБАР РУЗИКУЛОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ  
МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР МУНОСАБАТЛАРИНИНГ  
АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ (1991-2019 йй.)**

**07.00.05 – Халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат тарихи**

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по историческим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on historical sciences**

**Толибова Санобар Рузикуловна**

Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари маданий-гуманитар муносабатларининг асосий йўналишлари (1991-2019 йй.) ..... 3

**Толибова Санобар Рузикуловна**

Основные направления культурно-гуманитарных отношений Узбекистана и стран Юго-Восточной Азии (1991-2019 гг.) ..... 25

**Tolibova Sanobar Ruzikulovna**

The main directions of cultural and humanitarian relations between Uzbekistan and the countries of Southeast Asia (1991-2019) ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD/03/30.12.2021/Ss/Tar.21.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎзР ФА ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ  
МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА  
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ-МЕТОДИК МАРКАЗ**

**ТОЛИБОВА САНОБАР РУЗИКУЛОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ  
МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР МУНОСАБАТЛАРИНИНГ  
АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ (1991-2019 йй.)**

**07.00.05 – Халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан В2020.3.PhD/Tar178 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация ЎзР ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tsuos.uz](http://www.tsuos.uz)) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим портали ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Рахимов Мирзоҳид Акрамович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Қирғизбоев Абдуғаффор Каримжонович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Шарапов Анри Абдуллаевич**  
сиёсий фанлар номзоди, доцент в.б.

**Етакчи ташкилот:**

**Мирзо Улғубек номидаги**  
**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги PhD/03/30.12.2021/Ss/Tar.21.02 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 20-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (998971) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100070, Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (998971) 233-52-24; e-mail: [info@tashgiv.uz](mailto:info@tashgiv.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Д.Б. Сайфуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори, профессор в.б.

**О.И. Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Н.Э. Каримова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, тарих фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI аср инсоният тарихида барқарорликни таъминлаш, тараққиётни ривожлантиришга хизмат қиладиган ва халқаро муносабатларда ижобий ҳамда салбий жараёнларнинг содир бўлаётганлиги билан из қолдирмоқда. Шу маънода, дунёда тинчликни, тараққиётни таъминлаш, минтақа давлатлари ўртасида интеграциялашув жараёнларини кучайтириш, халқаро муаммоларни ҳал этишда давлатлараро маданий-гуманитар муносабатларни чуқурлаштириш долзарб вазифалардан бирига айланмоқда.

Дунёда геосиёсий жараёнларнинг ўзгариши айрим давлатлар ўртасида манфаатлар тўқнашуви ва низоларнинг кучайишига олиб келди. Бу замонавий халқаро муносабатларда давлатларнинг сиёсий, иқтисодий ҳамкорлиги билан бирга маданий-гуманитар муносабатларни ривожлантириш заруриятини вужудга келтирмоқда. Бу борада хорижий илмий-тадқиқот марказлари ва етакчи университетларда Марказий Осиё тарихи, маданияти ва ҳозирги халқаро муносабатлар бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Уларнинг илмий объекти Марказий Осиё минтақаси бўлса-да, Ўзбекистон ташқи сиёсати, хусусан, Жануби-Шарқий Осиё давлатлари билан маданий-гуманитар муносабатларига оид маълум изланишлар амалга оширилмоқда.

Сўнги йилларда Ўзбекистон халқаро майдонда ўз нуфузини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзбекистоннинг чуқур ўйланган, прагматик ва аниқ ечимга асосланган ички ҳамда ташқи сиёсати ўзининг ҳаётийлиги, оддий одамларнинг эҳтиёж ва манфаатларига жавоб бериши билан халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлмоқда<sup>1</sup>. Республикада хорижий мамлакатлар билан кўп томонлама маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Бу борада, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорида ўз нуфузини тобора мустаҳкамлаб бораётган Жануби-Шарқий Осиё давлатлари билан икки ва кўп томонлама ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан икки ва кўп томонлама муносабатларнинг шаклланиши ҳамда ривожланишини комплекс ўрганиш тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, шунингдек, 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3105-сон “Ўзбекистон Республикаси Фанлар

<sup>1</sup> Mirziyoyev Sh.M. Yangi O`zbekiston strategiyasi. To`ldirilgan ikkinchi nashr. –Toshkent: O`zbekiston, 2022. –368 b.

академияси хузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» дастури доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мавзуни ёритишда бир қатор илмий адабиётлар ўрганилди ва таҳлил қилинди. Уларни тадқиқотнинг ўрганилиш муаммосига кўра, уч гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ.

*Биринчи гуруҳни* Ўзбекистоннинг халқаро маданий муносабатлари тарихи ёритилган адабиётлар ташкил этади. Жумладан, С. Пулатова, С. Шарапова, Э. Нуриддинов, А. Мўминов, Г. Табак, Д. Маҳкамова, Л. Бабаходжаева, М. Рахимов, Д. Раҳимбаева, М. Хошимов, Ф. Усарова, Д. Сайфуллаевларнинг<sup>2</sup> тадқиқотларида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида маданий-гуманитар муносабатларнинг турли аспекти ёритилган. Бу йўналишда Ўзбекистоннинг халқаро маданий муносабатларининг асосий хусусиятлари асослаб берилган. Хусусан, С. Пулатова мустақил Ўзбекистоннинг халқаро маданий алоқалари ва уларнинг барқарорликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти, С. Шарапова Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг тарихий-маданий ва ижтимоий омиллари, Д. Маҳкамова Ўзбекистоннинг халқаро маданий муносабатлар тизимида тутган ўрни, Г. Табак Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида маданий ва тарихий анъаналарнинг роли, Л. Бабаходжаева халқаро маданий алоқаларнинг ўрнатилиши ва ривожланиш босқичлари, амалий ва бадиий

---

<sup>2</sup> Пулатова С. Развитие международных культурных связей независимого Узбекистана и их значение как фактора укрепления его стабильности. Автореф. канд. ист. наук. – Ташкент, 1994. –22 с; Шарапова С. Внешняя политика Республики Узбекистан: культурно-исторический и социальный факторы. - Ташкент: Адолат, 2000. – 203 с; Нуриддинов Э. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. – Ташкент: Чўлпон, 2002. –216 с; Муминов А. Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг халқаро - ҳуқуқий муносабатлари. – Тошкент, 2003. –210 б; Табак Г. Роль культурных и исторических традиций во внешней политике Республики Узбекистан. дис. ... канд. полит. наук. – Ташкент., 2004. –191 с; Махкамова Д. Узбекистан в системе международных культурных связей (особенности и закономерности исторического развития). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2005; Раҳимбаева Д. Ўзбекистонда дипломатия хизматининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи (1944-2001 йиллар. Ташқи ишлар вазирлиги мисолида). Тарих фан. ном ... дис. –Тошкент, 2007; Хошимов М. ЮНЕСКО фаолиятида диний бағрикенглик масалалари. (Ўзбекистон Республикаси мисолида). Автореф. тарих фан. ном. – Тошкент, 2009. –27 б; Усарова Ф. Глобаллашув шароитида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг миллий-ғоявий негизлари. Автореф. дис... сиёсий фан. ном. – Тошкент: 2009. –27 б; Бабаходжаева Л. Международное культурно-гуманитарное сотрудничество Республики Узбекистан (период независимости). – Ташкент: Фан, 2011. –218 с; Рахимов М. Сотрудничество Узбекистана с зарубежными странами и международными организациями в обеспечении стабильности и устойчивого развития в Центральной Азии (1991-2010 годы). Автофер. док. ист. наук. –Ташкент, 2012. –47 с; Современная история взаимоотношений Узбекистана и стран Центральной Азии с ведущими государствами мира. – Ташкент: Адабиёт учкунлари, 2016. –224 с; Сайфуллаев Д. Ўзбекистон Республикаси маданий дипломатиясининг шаклланиши ва ривожланиши. Автореф. тарих фан. док. – Тошкент, 2020. –97 б.

санъат, мусиқа, театр, кинематография каби соҳаларда Ўзбекистон Республикасининг маданий-гуманитар ҳамкорлик алоқалари ҳамда миллий маданиятни халқаро тарғиб этиш каби масалаларни асослаб берганлар. Мазкур тадқиқотларда Ўзбекистонни Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан маданий-гуманитар алоқаларининг айрим жиҳатлари таҳлил қилинган.

*Иккинчи гуруҳдаги тадқиқотларда Ўзбекистон Республикасининг Жануби-Шарқий Осиёнинг айрим давлатлари билан икки ва кўп томонлама муносабатларининг ўрнатилиши ва ривожланиши ҳамда АСЕАН ташкилоти давлатлари билан ҳамкорлиги масалалари Г. Саидазимова, А. Шарапов, Ф. Усаров, Г. Джураева, С. Усаров, О. Алмардонов, И. Шакировлар<sup>3</sup> томонидан ўрганилган. Хусусан, Ф. Усаровнинг диссертациясида Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан ўзаро иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлиги Малайзия давлати мисолида, 1991-2005 йиллар контекстида ёритиб берилган. Шунингдек, Г.Джураеванинг тадқиқотида Марказий Осиёда интеграция жараёнларини амалга оширишда Осиё-Тинч океани минтақасидаги халқаро муносабатлар тизимидаги ижобий тажриба ва АСЕАН ташкилотининг ўзига хос хусусиятларидан фойдаланишдаги имкониятлари тадқиқ этилган.*

*Учинчи гуруҳни Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан маданий ҳамкорлик алоқалари тадқиқ қилинган хориж адабиётлар ташкил этади. Лора Хорта, Усен Сулейман, Роллие Лал, Парадорн Рангсимапорн, Юхон Ли, Алексей Асирян, Рой Энтони Роджерсларнинг<sup>4</sup> тадқиқотларида Ўзбекистон Республикасининг*

---

<sup>3</sup> Саидазимова Г. Интеграция как глобальный процесс и ее значение для государств Центральной Азии (на примере Ассоциации государств Юго-Восточной Азии). Автореф. дис. ...канд. полит. наук. –Ташкент, 2001. –30 с; Шарапов А. Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатлари тизимида (ХХР, Япония, Жанубий Корея мисолида). Автореф. дис. ... канд. полит.наук. – Тошкент, 2008; Усаров Ф. Ўзбекистон Республикаси ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасида иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик (Малайзия давлати мисолида: 1991-2005 йиллар): тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. –Тошкент, 2010; Джураева Г. АСЕАН Осиё-Тинч океани минтақасидаги халқаро муносабатлар тизимида. Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. –Тошкент, 2018. –65 б; Усаров С. Ўзбекистон Республикасининг Осиё – Тинч океани минтақаси мамлакатлари билан ҳамкорлиги (Индонезия, Малайзия ва Сингапур мисолида, 1991-2019 йй.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2021. –51 б; Алмардонов О. Ўзбекистоннинг Хитой, Корея Республикаси, Япония, Вьетнам ва Малайзия давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларида халқ дипломатиясининг ўрни (1991-2017 йй.) Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2021. –53 б; Шакиров И. История сотрудничества Узбекистана и Сингапура (1991-2020 гг.). Автореферат диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам. –Ташкент, 2021. –48 с.

<sup>4</sup> Lora Horta. ASEAN as a Model for Central Asia. RSIS Commentaries. No. June 2014; Usen Suleimen. Central Asia and ASEAN: Perspectives for Interaction in Implementing the Belt and Road Initiative // ISAS Insights. No. 496. 19 June 2018; Усен Сулейман. Центральная Азия и АСЕАН: свяжетли их Инициатива «Пояса и Пути» // <http://www.exclusive.kz/expertiza/politika/114132/>; Rollie Lal. Central Asia and Its ASEAN Neighbors: Security and Commerce at the Crossroads. Rand Publishing. 2006, 62 p; Paradorn Rangsimaporn. Towards Strengthening ASEAN–Central Asia Relations: Why and How? // Middle East insights. July 2020. //: <https://www.researchgate.net/publication/344123741>; Juheon Lee, Aleksey Asiryan and Michael Butler. Integration of the Central Asian Republics: the ASEAN example // SEP 17 2020, <https://www.e-ir.info/2020/09/17/integration-of-the-central-asian-republics-the-asean-example/>; Roy Anthony Rogers. 29 Years of Uzbekistan-Malaysia Relations: Bridging Central Asia and Southeast Asia // Международной конференции “Новые тенденции во внешней политике Узбекистана: состояние и перспективы во взаимоотношениях со странами Центральной Азии и Афганистана” – Ташкент. ТГУВ. 21.01.2021.

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан маданий ҳамкорлик алоқалари тарихи ҳамда ҳозирги ҳолати кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган.

Хусусан, таиландлик дипломат ва тадқиқотчи Парадорн Рангсимапорнинг илмий ишларида АСЕАН ташкилотининг ўзига хос жиҳатлари ва ютуқларини Марказий Осиё интеграция жараёнларида қўллаш ҳамда икки минтақа давлатлари ўртасида ўзаро савдо-иқтисодий, инвестиция муҳитини яхшилаш имкониятлари таҳлил қилинган. Малайзиянинг Малайя университети профессори Рой Энтони Роджерснинг тадқиқотларида Марказий Осиёдаги замонавий ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнлар билан бир қаторда, Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиё минтақаси мамлакатлари, жумладан, Малайзия билан муносабатлари икки минтақа ҳамкорлигининг устувор йўналиши сифатида таҳлил қилинган.

Юқорида қайд этилган тадқиқот ишларининг илмий қийматини инкор этмаган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан маданий-гуманитар ҳамкорлиги тарихий жиҳатдан ҳозирга қадар алоҳида тадқиқот объекти сифатида махсус ўрганилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти ЎЗР ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “ПЗ 20170928749 Ўзбекистоннинг мустақилликка эришининг тарихий шарт-шароитлари ижтимоий-иқтисодий ва маданий омиллари” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** 1991-2019 йилларда Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари маданий-гуманитар муносабатларининг асосий йўналишларини очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама муносабатларида маданий-гуманитар ҳамкорлик алоқаларининг аҳамиятини ёритиш;

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан икки томонлама муносабатларнинг ривожланиш динамикасини кўрсатиб бериш;

илм-фан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиш хусусиятларини ўрганиш;

Ўзбекистон Республикасининг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан спорт ва туризм соҳасидаги муносабатларини очиқ бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари икки ҳамда кўп томонлама муносабатларининг асосий йўналишлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан маданият, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва туризм соҳаларидаги ҳамкорлик муносабатлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда фанлараро ёндашув, муаммовий-хронологик ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиё давлатлари билан ўзаро муносабатларнинг ўрнатилиши ва ривожланиш босқичлари (1991-2016, 2017 йилдан ҳозирга қадар), барқарор ривожланиш ва минтақавий масалалар юзасидан халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлиги очиб берилган;

замонавий халқаро муносабатларнинг кескин ўзгариши шароитида Ўзбекистоннинг минтақа давлатлари билан “Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ва Ўзбекистон” (11+1) форматидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар муносабатларни ривожлантириш бўйича диалогларни йўлга қўйиш зарурати далилланган;

Ўзбекистон олий таълим ва илм-фан тизимини ривожлантириш мақсадида республиканинг илмий тадқиқот муассасалари ва университетларини халқаро рейтингини оширишда Сингапур, Малайзия, Бруней-Даруссалом давлатларининг бу борадаги ижобий тажрибасидан фойдаланиш далилланган;

Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ўртасида маданий ҳамкорликни ривожлантиришда зиёрат туризмнинг янги йўналиши сифатида Таиланд, Вьетнам, Лаос ва Камбоджа давлатларидан Сурхондарё вилоятидаги буддавийлик ёдгорликларига сайёҳларни жалб қилиш ва тўғридан-тўғри авиа қатновларни йўлга қўйиш лозимлиги асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан маданий-гуманитар ҳамкорлигини ёритишда Ўзбекистон Миллий архивидан олинган республиканинг 1991-2012 йилларда Малайзия, Индонезия, Сингапур, Вьетнам ва Таиланд давлатлари билан сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларга оид маълумотлар илк бор муомалага киритилган;

Ўзбекистоннинг Таиланд ва Сингапур давлатлари билан халқаро ташкилотлар доирасида алоқалар олиб борганлиги, мазкур давлатлардан ҳамкорликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизга гуманитар ёрдам кўрсатилганлиги, сўнгги йилларда томонларнинг ўзаро муносабатларида маданий соҳадаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилганлиги асослаб берилган;

хорижий ва маҳаллий илмий адабиётлар таҳлили асосида Ўзбекистон Республикасининг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан маданий-гуманитар алоқаларининг динамикаси ёритилиб, улар асосида Ўзбекистоннинг энг янги тарихини ўрганиш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин бўлган маълумотлар таҳлил қилинган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги** тадқиқотда замонавий тарих фанидаги турли метод ҳамда ёндашувларнинг қўлланилгани, бирламчи илмий манбалардан фойдаланилгани ва асослангани, хулоса, таклиф,

тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг моҳияти, маданий-гуманитар алоқалар тўғрисидаги илмий-назарий билимларни янада чуқурлаштириш, ушбу масалага доир илмий хулосаларни амалиётга жорий этишда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Республиканинг ташқи сиёсати, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланиши, маданий мерос ҳамда замонавий жараёнларни тадқиқ этишга бағишланган мақсадли давлат дастурлари бажарилишига, шунингдек, тарихий билимларни ривожлантиришга, яратилдиган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикасининг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан маданий-гуманитар алоқаларига оид ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-гуманитар алоқаларининг ривожланиши, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан ўзаро муносабатлар тарихи ва замонавий ҳолати, ушбу минтақа мамлакатлари билан савдо-иқтисодий, илм-фан, таълим соҳаларидаги ҳамкорлигига оид маълумотлардан ЎзР ФА Тарих институтида давлат илмий-техника дастурлари доирасида 2015-2016 йилларда бажарилган “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” мавзусидаги инновация лойиҳасида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати, икки ва кўп томонлама ҳамкорлиги бобини ёзишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 8 июлдаги 3/1255-1907-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг татбиқ қилиниши Ўзбекистон Республикасининг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлигининг асосий йўналишларини тарихий фактлар асосида ўрганиш ва таҳлил қилиш имконини берган;

Ўзбекистоннинг Малайзия, Индонезия, Сингапур, Вьетнам мамлакатлари билан маданий ҳамкорлиги динамикаси, ўзаро муносабатларнинг асосий йўналишлари юзасидан тадқиқот доирасида олинган илмий натижалардан ЎзР ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказда 2018-2020 йилларда бажарилган “ПЗ-20170928749 Ўзбекистон мустақилликка эришишининг тарихий шарт-шароитлари: ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий омиллар” номли амалий лойиҳада мустақилликнинг илк йилларида Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ва халқаро муносабатларнинг йўлга қўйилиши ҳамда ривожланиш тарихи бобини ёритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 8 июлдаги 3/1255-1907-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий этилиши ўзаро маданий-гуманитар алоқаларининг устувор соҳалари, Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан театр, кино, мусиқа ва бошқа

маданий соҳалардаги ҳамкорлигининг асосий жиҳатларини архив ва бошқа маълумотлар асосида ёритиб беришга хизмат қилган;

Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан маданий-гуманитар ҳамкорлиги ривожига давлатлар ва халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларининг мустаҳкамланишида республикада фаолият юритаётган минтақа давлатларининг “Ўзбекистон-Вьетнам”, “Ўзбекистон-Индонезия”, “Ўзбекистон-Малайзия”, “Ўзбекистон-Таиланд” дўстлик жамиятларининг иштирокига оид таҳлилий материаллари Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси томонидан Ўзбекистоннинг минтақа давлатлари билан маданий тадбирларни ўтказишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг 2021 йил 16 июлдаги 14-07-1443-сон маълумотномаси). Диссертациядаги янгиликлардан фойдаланиш мазкур дўстлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва ўзаро маданий-гуманитар муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилган;

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг ўрни ҳамда ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, АЙСЕСКО, Халқаро Қизил хоч ва Қизил ярим ой жамияти каби нуфузли ташкилотлар доирасида республиканинг мазкур минтақа давлатлари билан кўп томонлама маданий-гуманитар муносабатлари, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш соҳасида Ўзбекистон ва Жануби–Шарқий Осиё давлатларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда минтақанинг ривожланган мамлакатлари юқори рейтингга эга олий ўқув юртлари филиалларини, соғлиқни сақлаш муассасаларини очиш имкониятлари каби илмий янгиликларга оид маълумотлардан “O`zbekiston tarixi” телеканалининг “Sayuor dars” кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 15 октябрдаги 02-10-1631-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлиги, шунингдек, халқимизнинг кўҳна ва бой тарихи, жаҳон цивилизацияси ривожига кўшган илмий, диний, маданий ва маънавий ҳиссаси тўғрисида кенгроқ маълумот олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация натижалари 11 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш эълон қилинган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шундан 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 137 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси ва таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон маданий-гуманитар алоқаларида Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг ўрни”** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида маданий-гуманитар муносабатларнинг асосий жиҳатлари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида Республиканинг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлиги, шунингдек, мазкур минтақа давлатлари билан икки томонлама сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатлар динамикаси таҳлил этилган.

XX аср охири ва XXI аср бошларига келиб жаҳоннинг турли ҳудудларида ўзаро урушлар, миллатлараро ва динлараро низолар, ахборот хуружлари кучайиб борди. Уларнинг айримлари давлатлар ва инсонлар ҳаёти учун хавф туғдириб маҳаллий низолардан глобал даражага кўтарилди. Шундай бир даврда “турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш биз учун борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда”<sup>5</sup>. Шу боис диссертацияда халқаро муносабатларда маданий-гуманитар алоқалар давлатларнинг ташқи сиёсий мақсадларга эришиш воситаси сифатидаги ўрни ва унинг Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги аҳамияти шунингдек, халқаро майдонда республика имижини мустаҳкамлашда ҳамкорликни ривожлантириш масалалари асосланган.

Бугунги кунда дунёда “маданиятлараро мулоқот”<sup>6</sup>, “халқ дипломатияси”<sup>7</sup>, “маданий дипломатия”<sup>8</sup> каби маданий-гуманитар ҳамкорлик тамойиллари ва шакллари ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси жаҳон мамлакатлари ва халқаро ташкилотлари билан икки ва кўп томонлама маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Мазкур бобда Ўзбекистоннинг БМТ ва ЮНЕСКО каби нуфузли ташкилотлар билан маданий ҳамкорлик алоқалари, ЮНИСЕФ, Қизил Яримой ва Қизил хоч халқаро ташкилотлари, шунингдек, ШҲТ, АЙСЕСКО, Туркий тилли давлатлар Кенгаши (Туркий давлатлар ташкилоти) каби минтақавий

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/198>. (15.12.2018).

<sup>6</sup> Intercultural Dialogue // <https://ru.unesco.org/themes/mezhkulturnyy-dialog>. (15.12.2018).

<sup>7</sup> Ashvin Gonesh, Jan Melissen. Public Diplomacy: Improving Practice. Hague. Clingendael – The Netherlands Institute of International Relations. 2005. – P. 20

<sup>8</sup> Erik Pajtinka. Cultural Diplomacy in theory and practice of Contemporary International Relations // Journal for Political Sciences. 2014, №4. – P. 95-108.

ташкilotлар доирасида Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан маданий-гуманитар муносабатларига тўхталиб ўтилган.

Халқаро муносабатлар контекстида Ўзбекистоннинг маданий-гуманитар алоқалари турли минтақалар кесимида турлича характерга ва динамик кўринишга эга. Хусусан, Ўзбекистоннинг маданий алоқалари АҚШ, Европа давлатлари, Россия, Хитой, Япония, Корея ва Ҳиндистон каби давлатлар билан бу соҳадаги ҳамкорлик алоқалари яхши йўлга қўйилган. Бироқ халқаро муносабатлар тизимида ва жаҳон сиёсатида ўз нуфузини тобора мустаҳкамлаб бораётган Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан маданий-гуманитар муносабатларини янада ривожлантириш зарурияти вужудга келмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда Ипак йўли фестивали, Тинчлик фестивали, Дўстлик фестивали, Ёшлар бирдамлиги фестивали каби халқаро маданий-гуманитар тадбирлар ўтказиш, уларга Жануби-Шарқий Осиё давлатларини жалб қилиш мамлакат ташқи нуфузининг янада ошишига хизмат қилади. Чунки, жаҳон сиёсати ва ҳўжалик тизимида Жануби-Шарқий Осиё минтақаси мамлакатлари ўзига хос ўринга эга. Минтақанинг ўн битта мамлакати 1967 йилда минтақавий ҳукуматлараро ташкilot – Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси иттифоқига бирлашган бўлиб, уларга нисбатан АСЕАН мамлакатлари тушунчаси ҳам ишлатилади. Жануби-Шарқий Осиё давлатларининг айримлари “Осиё йўлбарслари”, “Кичик аждаҳолар”<sup>9</sup> (Малайзия, Сингапур, Бруней, Таиланд, Филиппин, Индонезия, Вьетнам) каби номлар билан жаҳон сиёсатида ўз нуфузини мустаҳкамлаб бормоқда. Минтақа давлатларининг 2019 йил июнь оyi ҳолатига кўра ЯИМ 2,9 трлн.АҚШ. долларни, йиллик ўсиши эса 5,2 %ни ташкил этди<sup>10</sup>, шунингдек, улар экспорт қилувчи минтақалар орасида тўртинчи ўринни эгаллаб, жаҳон экспортининг 7%, дунё истеъмолчиларининг глобал марказларидан бири сифатида халқаро импортнинг 5%ини банд этди. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон учун Жануби-Шарқий Осиё минтақаси мамлакатлари билан ўзаро ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикаси ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Хусусан, 1992 йилнинг ўзида Вьетнам, Малайзия, Филиппин, Таиланд, Индонезия, Лаос, 1995-2001 йилларда яна Камбоджа, Бруней-Доруссалом, Сингапур, Мьянма минтақа давлатлари<sup>11</sup> билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

<sup>9</sup> Тўхлиев Н. Осиё тараққиёт модели. –Тошкент, Ўзбекистон, 2015. –4 б.

<sup>10</sup> ASEAN: Selected Basic Indicators. <https://data.aseanstats.org/indicator/AST.STC.TBL.1b> (11.09.20)

<sup>11</sup> Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари қаторига кирувчи, 1975 йил Португалиядан, 2002 йил Индонезиядан мустақилликка эришган Шарқий Тимор давлати билан эса ҳали ўзаро расман дипломатик муносабатлар ўрнатилмаган.

Тадқиқотда Ўзбекистон ва айрим Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари (Лаос, Мьянма, Камбоджа) билан ўзаро сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий муносабатлар минтақанинг бошқа мамлакатларига нисбатан фаол эмаслиги қайд этилган. Бунга мазкур давлатларнинг иқтисодиёти қишлоқ хўжалигига асосланган аграр давлат эканлиги, мамлакатларнинг ташқи ва ички сиёсатидаги беқарорлик ҳамда диний масалалардаги қарама-қаршиликлар каби омиллар сабаб сифатида кўрсатилган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари иқтисодиётида каучук ишлаб чиқариш, балиқчилик, электротехника, чой, нефть саноати каби соҳалар етакчи ўрин эгаллайди. Ва бу соҳаларда минтақа мамлакатлари асосан Европа Иттифоқи, АҚШ, Россия, Жанубий ва Шарқий Осиё давлатлари билан асосий савдо ва иқтисодий шериклар сифатида фаолият олиб боради.

Сўнги йилларда Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиё давлатлари билан сиёсий, савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари янги босқичга чиқмоқда. Шу боис, Республика ва минтақа давлатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш имкониятларини йўлга қўйиш лозим. Хусусан, Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатида Сингапур, Индонезия ва Малайзия давлатларининг иқтисодиётни диверсификация ва модернизация қилиш, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришдаги тажрибасидан фойдаланиш, Бруней-Доруссалом мамлакатидан нефть ва нефтни қайта ишлаш саноатида бўйича инновацион тажрибаларни ўзлаштириш, Вьетнам билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги ва балиқчилик саноатини такомиллаштириш ҳамда Таиланд ва Камбоджа билан соғлиқни сақлаш ва туризм соҳасидаги алоқаларни мустақамлаш, ўз навбатида, ушбу давлатларга автомобиль, куруқ мева ва бошқа миллий маҳсулотлар экспортини йўлга қўйиш бўйича янги имкониятларини излаш мақсадга мувофиқ.

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан ўзаро муносабатларини 11+1 (Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ва Ўзбекистон) форматида ривожлантириш, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва лойиҳалар доирасида (БМТ, ШХТ, Туркий давлатлар ташкилоти, АЙСЕСКО, АСЕАН, Бир макон, бир йўл в.х.) ҳамкорлик алоқаларини такомиллаштириш Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи янада ошишига хизмат қилади.

Диссертациянинг **“Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан маданий ва илмий ҳамкорлик”** деб номланган иккинчи бобида АСЕАН мамлакатлари билан маданият соҳасидаги алоқалар, илм-фан ва таълим соҳасидаги ўзаро муносабатларидаги муаммолар ва ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари ёритиб берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг маданий ҳамкорлигида республикада фаолият юритаётган мазкур минтақа давлатларининг Дўстлик жамиятлари фаолиятини ўрганиб, бу минтақа мамлакатлари билан санъат, театр ва кино соҳаларидаги ўзаро муносабатлари хусусида илмий маълумотлар тақдим этилган.

Дунё халқлари ўртасида дўстлик ришталари, ҳамкорлик алоқалари ҳамда маданий ва маърифий соҳадаги муносабатларни ривожлантиришда Дўстлик жамиятларининг ўрни катта. Ўзбекистонда “Ўзбекистон-Вьетнам”, “Ўзбекистон-Индонезия”, “Ўзбекистон-Малайзия”, “Ўзбекистон-Таиланд” ҳамда минтақа давлатларида “Малайзия-Ўзбекистон”, “Вьетнам-Ўзбекистон”, “Индонезия-Ўзбекистон” дўстлик жамиятлари фаолият юритмоқда.

Тадқиқотда мазкур Дўстлик жамиятлари орасида “Ўзбекистон-Малайзия” дўстлик жамиятининг фаолияти таҳлил қилинган. Хусусан, бу Дўстлик жамияти икки халқ ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашда телевидение имкониятларидан кенг фойдаланиб, Ўзбекистоннинг бой маданияти, урф-одати ва мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни Малайзия телевидениеси орқали етказиб беришга ҳаракат қилмоқда<sup>12</sup>. Шунингдек, facebook.com ижтимоий тармоғида «Uzbekistan-Malaysia Friendship Society» веб-саҳифаси очилган ва унда Ўзбекистон ҳамда Малайзия давлатлари ўртасидаги сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий, маданий соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари ёритилиб борилади.

Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг маданий соҳадаги муносабатларида мусиқа ва санъат йўналишидаги ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Самарқандда ўтказиладиган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали дунёнинг кўплаб мамлакатлари қаторида АСЕАН давлатларининг санъат усталари фаол иштирок этишиб, фахрли ўринларни қўлга киритганлар. Биргина 2017 йилда Индонезиядан 7 та, Малайзиядан 7 та, Сингапурдан 11 та, Филиппиндан 8 та, Вьетнамдан 7 нафар санъаткорлар иштирок этдилар<sup>13</sup>. Ушбу нуфузли тадбирда ҳозирга қадар Шарқий Тимор ва Камбоджа мамлакатлар вакиллари иштирок этмаган. Ваҳоланки, Камбоджада қадимий фольклор, миллий кўшиқ ва оҳанглари мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари (Folk and Ceremonial Music, Royal Music) ЮНЕСКОнинг “Анъанавий мусиқа тўплами”<sup>14</sup> рўйхатига киритилган. Шарқий Тимор халқларида ҳам ўзига хос миллий ва анъанавий мусиқа, рақслар ҳамда кўшиқлар мавжуд.

Мазкур халқаро фестивалга Камбоджа ва Шарқий Тимор мамлакатлари вакиллари ҳам жалб этиш, ушбу фестивалнинг халқаро нуфузи ва кўлами янада ошишига, шунингдек, Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан маданий муносабатларининг янада кенгайишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистондаги турли театр жамоалари Сингапур, Малайзия, Таиланд давлатларида ижодий гастролларда бўлиб, ўзбек ва

<sup>12</sup> Ўзбекистон хориж мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашининг жорий архиви. 2017 йилги фаолияти бўйича ҳисоботи.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг жорий архиви. 8-фонд, 1-рўйхат, 1358-йиғмажилд, 7-9-варақлар.

<sup>14</sup> UNESCO Collection of Traditional Music// <https://folkways.si.edu/unesco>

жаҳон сахна асарларини намоиш этмоқдалар<sup>15</sup>. Шунингдек, мазкур минтақа мамлакатларида ва Ўзбекистонда турли кинофестиваллар ўтказилган<sup>16</sup>.

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари бой тарихий ва маданий меросга эга. Бу минтақада ЮНЕСКОнинг турли рўйхатларига киритилган кўплаб обидалар мавжуд. Шу боис, Ўзбекистон номоддий маданий мерос обидаларини асраш, оммалаштириш ва халқаро тарғиб қилиш борасида Жануби-Шарқий Осиёнинг Индонезия, Малайзия, Сингапур, Вьетнам каби давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларини олиб бориши, ўзаро тажриба алмашиш ишларини йўлга қўйиши мақсадга мувофиқ.

Хорижий мамлакатларда “Ўзбекистон маданият кунлари”нинг ўтказилиши ўзаро маданий-гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлашда ўзига хос аҳамиятга эга. Хусусан, Малайзиянинг Куала-Лампур, Брунейнинг Бандар-Сери Бегаван шаҳрида “Ўзбекистон маданият кунлари” ўтказилди<sup>17</sup>. Шунингдек, Брунейда чоп этиладиган “Borneo bulletin”<sup>18</sup> ва “The Brunei Times”<sup>19</sup> газеталарида Ўзбекистон маданияти, тарихи ва урф-одатларини хорижий жамоатчилик орасида, хусусан, мазкур минтақа мамлакатларида кенг тарғиб қилиш ҳамда ўзбек-бруней ҳамкорлигини янада кенгайтириш имкониятлари қайд этилган. Бундан ташқари, маданий ҳамкорлик доирасида 2012 йил 7-11 майда Таиландда “Ўзбекистон маданият кунлари”, Ўзбекистонда “Таиланд кунлари”, 2012 йил 24 августда Ўзбекистонда “Вьетнам маданияти кунлари” ўтказилди<sup>20</sup>, 2018 йилда эса илк марта Вьетнамда “Ўзбекистон кунлари” бўлиб ўтди<sup>21</sup>.

Халқаро маданий муносабатлар тизимида Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари алоқалари сўнгги йилларда янада ривожланди. Айниқса, илм-фан, таълим, спорт, туризм, маданият, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиши яхши натижалар бераётганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Бироқ Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг ўзаро маданий-гуманитар алоқаларини мустаҳкамлаш ва янада кенгайтириш имкониятлари мавжуд. Ўзбекистонда ва Жануби-Шарқий Осиё минтақаси мамлакатларида маданият ҳафталиклари, кино, театр, санъат кунларини ўтказиш, ушбу давлатларнинг қадимий ва замонавий шаҳарлари билан ўзаро биродар шаҳарлар алоқаларини ўрнатиш, Дўстлик кенгашилари доирасида турли халқаро тадбирлар ташкил этиш ва

---

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг жорий архиви. Иш-5-3-10: Малайзия ва бошқа мамлакатлар.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Миллий архиви. М-2564-фонд, 1-рўйхат, 826-йиғмажилд, 2-4-варақ.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви. Фонд №-38, рўйхат-1, йиғма жилд № 1598, варақ-1-3.

<sup>18</sup> Danial Norjidi. Uzbek delegates call on Minister of Culture, youth and Sports. Borneo Bulletin, Tuesday 13 September 2011. – P.7.

<sup>19</sup> Rachel Thien. Uzbekistan Cultural fiesta at the Mall. The Brunei Times. Wednesday, 14 September, 2011.

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви. 38-Фонд, 1-рўйхат, 1646-йиғмажилд, 65-варақ.

<sup>21</sup> Вьетнамда Ўзбекистон маданият кунлари ўтказилади. <http://www.culture.gov.uz/post/view/2858> (01.05.2019)

уларнинг фаолиятини янада жонлантириш маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиради.

Шунингдек, мазкур бобда Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг илмий соҳадаги алоқалари ўрганилиб, бу жараён ҳамкорликнинг илм-фан ва олий таълим йўналишида таҳлил қилинган.

Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан илм-фан ва таълим соҳасидаги ўзаро муносабатлари мамлакат сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига зарур малакали кадрлар тайёрлаш, мазкур минтақадаги илғор давлатлар тажрибасини ўрганиш, турли соҳаларда инновацияларни жорий этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон собиқ иттифоқ таркибида бўлган даврда ҳам Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан илм-фан ва таълим соҳаларида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган, бироқ бу ҳамкорлик асосан илмий-техникавий йўналишда олиб борилган. Жумладан, 1983 йилдан 1990 йиллар бошига қадар Вьетнамдан келган 3000 дан ортиқ талаба ва аспирантлар Ўзбекистон олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олган<sup>22</sup>.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг илм-фан соҳасидаги халқаро алоқалари янги босқичда ривож топди. Фанлар академияси илмий тадқиқот институтлари, илмий марказлар, олий таълим муассасалари Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари илмий-тадқиқот марказлари ва олий ўқув юртлари билан илмий алоқаларни йўлга қўйди.

Ўзаро илмий ҳамкорлик алоқалари 1993 йилдан фаоллаша бошлаган. Хусусан, 1993-1996 йилларда Малайзия ҳукуматининг техник ҳамкорлик дастури (Malaysian Technical Cooperation Programm) бўйича ўзбекистонлик 40 та мутахассислар ушбу мамлакатда таҳсил олган. 1995 йил Малайзиянинг “Ренонг Берхад” компанияси молиявий кўмагида Тошкент давлат техника университетида бизнес ва менежмент факультети ташкил этилди ҳамда факультетни дастлабки босқичда ривожлантириш учун Малайзия томонидан 2 млн. АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратилди. 1997-1998 йилларда бу факультетда 200 дан ортиқ талаба таҳсил олган<sup>23</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари олимлари, тадқиқотчиларининг турли фан соҳаларидаги ҳамкорлиги илмий фаолиятни янада ривожлантириш, халқаро илмий-техник интеграция ва инновацион фаолиятни такомиллаштириш имконини яратмоқда. Хусусан, 1996 йил апрель ойида Ўзбекистон Фанлар академиясининг бир гуруҳ олимлари Малайзия Фанлар академияси таклифига биноан мазкур давлатга ташриф буюрган. Айнан шу йилнинг сентябрь ойида Малайзия Фанлар академиясининг 20 кишидан иборат Омар Бин Абдул-Раҳмон бошчилигидаги делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи бўлиб ўтди<sup>24</sup>. Шунингдек, Индонезия, Сингапур, Вьетнам давлатлари

<sup>22</sup> ЎзМА, М-2-фонд, 1-рўйхат, 137-йиғма жилдлар, 10-варақ.

<sup>23</sup> ЎзМА, М-2-фонд, 1-рўйхат, 124-йиғмажилдлар, 102-варақ.

<sup>24</sup> ЎзМА, М-2-фонд, 1-рўйхат, 176-йиғмажилдлар, 60-варақ.

олимларининг Ўзбекистон Фанлар академияси билан самарали ва амалий ҳамкорлик алоқалари мавжуд.

Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё давлатларининг илмий ҳамкорлигида олий таълим соҳасидаги алоқалар алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистонда 2008 йилдан буён Сингапур давлатининг Сингапур менеджментни ривожлантириш институтини (*Management Development Institute of Singapore*) ҳамда 2020 йил 17 сентябрдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Урганч шаҳрида Binaru (Малайзия) университетининг филиали фаолият юритмоқда. Шунингдек, Ўзбекистондаги олий таълим муассасалари билан Малайзия, Индонезия, Бруней, Сингапур, Вьетнам давлатларининг олийгоҳлари ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиб, профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви йўлга қўйилган. Бундан ташқари, республикадаги олий таълим муассасалари қошида индонез, вьетнам ҳамда малай тиллари ва маданияти марказлари фаолият юритади.

Ўзбекистон тадқиқотчилари ва олимларининг мазкур минтақа давлатларига илмий стажировкалари, тажриба ўрганиш бўйича академик алмашинувлари, магистр, фалсафа доктори ва фан доктори бўйича диссертация амалиёти юзасидан илмий дастурларда иштироки бошқа мамлакатларга қараганда (жумладан, Европа ва Осиёнинг етакчи давлатлари) нисбатан суст. Бунга асосий сабаб ўзбекистонлик талабгорларнинг асосий эътибори Ғарб давлатлари ва Осиёнинг айрим етакчи мамлакатларига қаратилганлигидир. Таъкидлаш жоизки, Малайзия, Сингапур, Индонезия, Бруней давлатлари томонидан ҳар йили мазкур амалиёт юзасидан махсус стипендиялар, олимлар учун дастурлар эълон қилинади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ўзбекистонлик профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, талабалар фаннинг турли соҳалари бўйича Жануби-Шарқий Осиёнинг ривожланган мамлакатларида академик алмашинувларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда ушбу минтақа мамлакатларининг етакчи олий ўқув юртлари филиалларини ҳамда кўшма факультетларни очиш мақсадга мувофиқ.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан таълим соҳасидаги алоқаларни тизимли равишда мустаҳкамлаш, минтақадаги халқаро рейтингги юқори бўлган университет таълим тизимини тажрибасини ўрганиш ва халқаро стандартлар даражасидаги жиҳатларини Ўзбекистон таълим тизимига татбиқ қилиш, шунингдек, ўзбекистонлик профессор-ўқитувчиларнинг академик алмашинув соҳасини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Хусусан, Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Тошкентдаги Ислом цивилизацияси маркази ҳамда ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Термиздаги Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази каби муассасаларнинг Жануби-Шарқий

Осиё мамлакатларининг ушбу соҳадаги илмий марказ ва университетлари билан алоқаларини ривожлантириш лозимлиги қайд этилган.

Диссертациянинг **“Соғлиқни сақлаш, спорт ва туризм соҳасидаги муносабатларнинг ҳолати ва истиқболлари”** деб номланган учинчи бобида Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, спорт ва туризм соҳасидаги ҳамкорлиги, ютуқлари ҳамда муаммолари таҳлил қилинган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммолар, она ва бола саломатлигини асраш ҳамда турли касалликларга қарши курашишда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш муҳим масалалардан бирига айланди. Шу боис, Ўзбекистон халқаро ташкилотлар ва дунёнинг етакчи давлатлари, хусусан, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан мазкур соҳада ҳамкорликни йўлга қўйди.

